

АРАБ ДУНЁСИДА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти”
кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлар доктори (DSc.)*

Аннотация. Ушбу мақолада Араб дунёси мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцион жараёнлар динамикаси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Араб Давлатлари Лигаси, Пан-Араб Эркин савдо худуди иқтисодий интеграция, PAFTA.

Араб Давлатлари Лигаси (The League of Arab States- (LAS)) барча араб давлатларини бирлаштирган ташкилот бўлиб, 1945 йилнинг 22-мартида Кохирада, яъни Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида, халқаро муносабатларда янги тизим шаклланиши ва ташқи сиёсий йўналишни белгилаш пайтида юзага келди. Лигани ташкил этишда 1944 йилда қабул қилинган Александрия баённомаси асос қилиб олинди. Унинг аъзолари бўлиб қуидаги 22 та давлатлар ҳисобланади: Миср, Ироқ, Иордания, Қатар, Саудия Арабистони, Сирия, Ливан, Алжир(Жазоир) (1962), Баҳрайн(1971), Комор Ороллари(1993), Жибути(1977), Қувайт(1961), Ливия (1953), Мавритания(1973), Марокаш(1958), Омон (1971), Фаластин(1976), Сомали(1974), Судан (1956), Тунис (1958), Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)(1971) ва Яман. Сирия 2011 йилда аъзоликни тўхтатган. Ушбу давлатлар араб дунёси деб ҳам юртилади. LAS панарабизм ғояси асосида ташкил этилган. Панарабизм- миллий озодлик мафкураси ва барча араб тилида сўзлашадиган халқларнинг сиёсий бирлашишини билдиради. LAS ғоявий, сиёсий жиҳатдан интеграциялашувни кўзлагани ҳолда, ташкилот молиявий-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, соғлиқни сақлаш ва телекоммуникация, маданият ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришни ҳам асосий мақсад қилган.

Араб дунёси субмінтақаларга бўлинган: Арабистон ярим ороли, ундан форс кўрфазининг энг бой давлатлари алоҳида ажратилган- Баҳрайн, Қатар, Қувайт, Омон, БАА, Саудия Арабистони. (Ямандан ташқари барчаси киритилган), Мағриб- Алжир, Ливия, Мавритания, Марокаш, Тунис ва Машриқ- Иордания, Ироқ, Ливан, Фаластин, Сирия ва Миср. Араб дунёси давлатларига нисбатан Яқин Шарқ сўзи ҳам ишлатилади. БМТнинг таснифлашига кўра Яқин Шарқ (Middle East) Фарбий Осиё ва қисман Шимолий Африка давлатларини ўз ичига олади.

Ушбу давлатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, ҳалқаро муносабатларда ўзига хос ўринга, ўзига хос ташқи сиёсатга, ташқи сиёсат йўналишини шакллантириш ва ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлариға эга. Бироқ, уларнинг ўхшашлиги - ҳокимиятни марказлаштириш, мамлакат раҳбарларининг кенг ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётдаги юқори роли, расмийларнинг патерналистик ижтимоий сиёсат юритиш истаги, армиянинг сиёсий тизимдаги ўрни, анъанавий жамият элементларининг таъсири, дин ҳамжамияти, Исломнинг сиёсийлашуви ва бошқа омиллар ташқи сиёсат жараёни нуқтаи назаридан Араб мамлакатлари орасида кўплаб умумий хусусиятларни аниқлашга имкон беради.

Араб давлатлари Лигаси доирасида интеграцияни яқинлаштиришга ҳаракатлар бўлиб, илк давларда муваффақиятсиз уринишлар бўлган. 1950 йилда мамлакатлар мустақилликни қўллаб-қувватлаш, қўшма мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида Кўшма мудофаа ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоладилар. Аъзо давлатларнинг ҳарбий имкониятларини қўллаб-қувватлаш, хавф ва таҳдидларни бартараф этиш учун профилактика ва мудофаа чораларини қўриш учун қўшма Мудофаа Кенгашини тузиш кўзда тутилган эди. Иқтисодий Кенгаш иқтисодий ва савдо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, божхона тўловларини камайтириш, капитал оқимлари ва жисмоний шахсларни либераллаштириш орқали Араб давлатларида турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида тузилган. Мамлакатлар 1950 йилги шартнома қоидаларига зид келадиган шартномалар тузмасликка ваъда беришган. Кейинчалик иқтисодий Кенгаш иқтисодий ва ижтимоий Кенгашга айлантирилган. Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш, ёшлар ва спорт, ижтимоий сиёсат, ички ишлар, адлия, қурилиш, транспорт, экология, алоқа ва ахборотлаштириш, оммавий ахборот воситалари, электр энергетикаси, туризм ва сув таъминоти бўйича 13 та Вазирлар кенгаши, сўнгра яна 18 та кенгаш тузилган.

1950 - йилларда етти давлат – Миср, Иордания, Ироқ, Яман, Ливан, Саудия Арабистони ва Сурия икки томонлама шартномаларни алмаштириб кўп томонлама савдо ва тўлов шартномаларини тузиш ташаббусларини илгари сурдилар, бу эса божхона тўловларининг пасайтирилган ставкалари асосида мамлакатлар ўртасида имтиёзли савдо шартномаларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1953 йилда Миср, Ливан ва Иордания савдони рағбатлантириш ва транзит савдосини тартибга солиш тўғрисида битим имзолаганлар. (**Agreement on Trade Facilitation and Regulating Transit Trade**).

1957 йилда иқтисодий бирлик тўғрисидаги битим имзоланган ва унда қўйидаги бандлар мавжуд:

- иқтисодий сиёсат ва қоидаларни мувофиқлаштириш;

- транспорт ва транзит қоидаларини мувофиқлаштириш;
- араблараро савдо шартномаларини имзолаш;
- қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдо сиёсатини мувофиқлаштириш, барча иштирокчи мамлакатлар фуқаролари учун тенг шароитларни кафолатлаш мақсадида иқтисодий қонунчиликни бирлаштириш;
- меҳнат қонунчилиги ва ижтимоий суғурта соҳасидаги қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш;
- солик ва божхона қонунчилигини мувофиқлаштириш;
- фуқароларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик;
- пул-кредит сиёсати ва валютани бирлаштириш қоидаларини мувофиқлаштириш;
- статистик таснифлаш усулларини бирлаштириш;
- белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган бошқа чораларни қабул қилиш.

Ушбу 10 та модданинг амалга оширилиши **Пан-Араб Эркин савдо худуди (Pan Arab Free Trade Area (PAFTA))** тўғрисидаги битим учун асос бўлган. Шартнома мамлакатларнинг жаҳон бозорларида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қиёсий ва рақобатдош устунликларга эга ривожланмаган тармоқларни ҳимоя қилишни белгилаб берган. Унда савдо ёки компенсация схемаларининг имтиёзли шартлари тамойиллари мавжуд бўлган. Мамлакатларга тегишли рўйхатлар доирасида айрим товарларни савдони эркинлаштиришдан четлаштириш, шунингдек босқичма-босқич либераллаштиришнинг ўтиш даврини қисқартириш ҳуқуки берилган. PAFTA 1998 йилги Конвенция асосида GAFTA га айлантирилган. (Convention on the Great Arab Free Trade Area).

Араб дунёси мамлакатларида қарийб 78 йилдан буён интеграциялашув жараёнлари кечеётган бўлсада ва бир нечта шартномалар, битимлар, келишувлар қабул қилинган бўлсада умуман олганда интеграциялашув даражаси бошқа муваффакиятли интеграцион гурӯхларга нисбатан паст даражада. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Жумладан:

(1) Араблараро минтақавий интеграция ташаббуслари тўлиқ эмас ва секин суръатларда амалга оширилмоқда. Асосий сабаблар иқтисодий ва сиёсий характерга эга;

(2) Мамлакатлар саноат маҳсулотларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқаради ва табиий ресурсларга эга, бу эса савдонинг ўсишига ёрдам беради. Аммо экспортнинг товар таркибининг ўхшашлиги мамлакатларни бозорларда рақобатчиларга айлантиради, натижада минтақалараро савдони рағбатлантириш имкониятларини торайтиради;

(3) Араб мамлакатларининг экспорт имкониятларини йирик давлат сектори чеклайди, шаффоффликнинг даражаси паст;

(4) Яқин Шарқ ресурсларга бой ва ресурсларга камбағал мамлакатларни ўз ичига олади, бу эса минтақада ресурсларни тенг тақсимлаш учун имкониятлар яратади. Ресурслари кам бўлган мамлакатлар ўзларининг рентабелликларини олиш учун ресурсларга бой мамлакатлар билан савдени эркинлаштиришга қаратилган иқтисодий муносабатларни олиб борадилар. Бу ресурсларга бой мамлакатларда савдени ўзгартириш эффиқти туфайли юзага келади. Шу сабабли, интеграция жараёнларини чуқурлаштириш учун етарли рағбатга эга эмас;

(5) Панараб эркин савдо худудига 8 та ресурсларга бой ва 12 та ресурсларга камбағал давлатлар киради, GCC га фақат ресурсларга бой давлатлар, Агадир келишувига эса фақат ресурсларга камбағал давлатлар киради. GCC давлатлари ҳам, Агадир келишуви мамлакатлари ҳам бир вақтнинг ўзида PAFTAда иштирок этадилар, аммо уларнинг аъзолиги минтақалараро савдога сезиларли таъсир кўрсатмайди;

(6) Араб савдосини либераллаштиришдаги тўсиқларга қуйидагилар киради: кам қувватли истеъмол бозорлари, экспортни диверсификациялашнинг йўқлиги, савдени рағбатлантиришнинг йўқлиги, жаҳон товар бозорлари конъюнктурасига кўпроқ боғлиқлик. Араб интеграцияси иштирокчи мамлакатларга ички бозор имкониятларидан устунликни таъминлай олмайди;

(7) Аҳоли жон бошига даромадларнинг табақаланиши интеграция жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бой мамлакатлар минтақадан ташқарида ривожланган давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларни импорт қилади, бу эса минтақадан ташқари иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни рағбатлантиради;

(8) Минтақа миқёсида яқин Шарқ интеграцияси йўлидаги марказдан қочиши омили-бу сиёсий омил, масалан, бу борада сиёсий ироданинг йўқлиги, қайси давлатлар интеграция уюшмасига аъзоликдан катта фойда олишлари хақида ташвишланиш, интеграция уюшмасининг минтақа ёки субминтақага сиёсий етакчиликка таъсири кабилар. Минтақавий бирлашиш тўғрисидаги битимлар қоидаларини янада муваффақиятли амалга ошириш учун сиёсий мақсадларни иқтисодий мақсадлар билан бирлаштириш керак. Аммо яқин Шарқ минтақасида сиёсий интилишлар иқтисодий жиҳатлардан устун туради;

(9) Сиёсий, масалан, 2017 йилда форс кўрфазининг аксарият мамлакатлари ва бошқа бир қатор Араб давлатлари томонидан Қатарни бойкот қилиши ва минтақадаги куролли тўқнашувлар интеграция жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда ва ўзаро муносабатларда, учинчи давлатлар билан муносабатларда савдо ва сармоявий алоқаларнинг парчаланишига олиб келади. Улар экспорт ҳажмини камайтиради, минтақавий инфратузилма лойиҳалари

ҳолатига салбий таъсир қиласи. Ҳарбий ва сиёсий можаролар сайёҳлик оқимига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Миср, Тунис, Иордания ва Ливан амалиёти буни тасдиқлаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Булатов А.С. Мировая экономика: учебник. М.: “Экономистъ”, 2005
2. Семак Е.А. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие. Минск: БГУ, 2012
3. Мисько О.Н. Международная экономическая интеграция. – СПб: Университет ИТМО, 2015
4. Румянцев В.П. Идеология панарабизма и ближневосточная политика США и Великобритании в 1950-е гг. Издательства Томского университета, 2008
5. Федорченко А.В. Интеграция на Ближнем и Среднем Востоке// Мировое и национальное хозяйство. №3(52), 2020
6. М. А. Сапронова. Арабо-мусульманский мир: история, география, общество. Казанский университет, 2013